2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 19 (541), 2022 йил 28 январь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ “ҲИНДИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁ” САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 январь куни видеоанжуман шаклида ўтган “Ҳиндистон — Марказий Осиё” биринчи саммитида иштирок этди.**






Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов ҳам қатнашди.

Етакчилар минтақа мамлакатлари ва Ҳиндистон ўртасидаги анъанавий яқин ва дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини кўриб чиқдилар. Халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқининг аввалида ушбу учрашувнинг стратегик шерикликни мустаҳкамлаш ҳамда минтақавий ҳамкорликнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган янги кун тартибини шакллантиришдаги аҳамиятини алоҳида қайд этди.

Бунга мамлакат ва халқларимизни боғлаб турган чуқур тарихий илдизлар ишончли замин бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, минг йиллар мобайнида минтақамиз ва Ҳиндистон халқлари ўртасида фаол гуманитар алмашинувлар ва савдо алоқалари мавжуд бўлган, уларнинг маданияти, анъаналари ва маънавий қадриятлари бир-бирини бойитиб келган.

Давлатимиз раҳбари “Ҳиндистон — Марказий Осиё” форматидаги амалий ҳамкорликни илгари суришнинг стратегик устувор йўналишларини белгилаб, бу борада аниқ таклифларни илгари сурди.

Биринчи устувор йўналиш сифатида таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида фаол ҳамкорлик қилиш, Ҳиндистоннинг илғор тажрибаси, билим ва технологияларини жорий қилиш орқали инсон капиталини ривожлантириш белгилаб олинди.

Давоми 2-бетда

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “ҲИНДИСТОН – МАРКАЗИЙ ОСИЁ” БИРИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Нарендра Моди жаноблари!

Муҳтарам ҳамкасблар!

“Ҳиндистон — Марказий Осиё” биринчи саммитининг барча иштирокчиларини самимий қутлайман.

Сизга, ҳурматли Бош вазир Моди жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган кўп қиррали муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган ушбу муҳим учрашувни ўтказиш ташаббуси учун миннатдорчилик билдираман.

Барча ҳамкасбларимнинг Ҳиндистон Республикаси куни муносабати билан Ҳиндистон халқига билдирилган илиқ қутлов ва тилакларига қўшиламан. Шунингдек, сизларни мамлакатингиз мустақиллигининг бўлажак 75 йиллиги билан самимий муборакбод этаман.

Бугун Ҳиндистон — замонавий, жадал ривожланаётган, жаҳонда улкан халқаро нуфузга эга ва иқтисодий таъсири тобора ортиб бораётган давлат.

Алоҳида таъкидлашни истардимки, Ҳиндистон биз учун ишончли, стратегик шерикдир.

Ўзбекистон — Ҳиндистон алоқаларининг илдизлари жуда олис тарихга бориб тақалади.

Минг йиллар мобайнида халқларимиз ўртасида фаол гуманитар алмашинувлар ва савдо алоқалари бўлган. Маданиятларимиз, анъаналаримиз ва маънавий қадриятларимиз бир-бирини бойитиб келган.

Тошкент ва Деҳли, Самарқанд ва Агра, Бухоро ва Ҳайдаробод каби қадимий шаҳарлар бетакрор меросимизнинг узвий қисми бўлиб, умумий тарихимизда чуқур из қолдирган.

Ушбу меросга таяниб, Ўзбекистон “Ҳиндистон — Марказий Осиё” форматидаги стратегик шериклик ва амалий ҳамкорликни янада кенгайтиришга қатъий интилмоқда.

Бугун кўп томонлама муносабатларимиз учун янги кун тартибини ишлаб чиқишимиз ва узоқ муддатли истиқболга қаратилган самарали ҳамкорликнинг аниқ йўналишларини белгилаб олишимизга ишонаман.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Ҳиндистон билан анъанавий яқин, дўстона ва кўп томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш мақсадида минтақавий ҳамкорликнинг қуйидаги йўналишларини стратегик устувор йўналишлар сифатида белгилаб олишни таклиф этамиз.

Биринчи устувор йўналиш — таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида фаол ҳамкорлик қилиш орқали, Ҳиндистоннинг илғор тажрибаси, билим ва технологияларини кенг жорий қилиш асосида инсон капиталини ривожлантириш.

Кейинги йилларда ҳиндистонлик ҳамкорлар билан биргаликда мамлакатимизда қатор замонавий кўп тармоқли тиббиёт марказлари ташкил этилди.

Бундай клиникалар тармоғини Ҳиндистон етакчи тиббий университетларининг Ўзбекистондаги филиаллари негизида янада кенгайтириш ниятидамиз.

Соғлиқни сақлаш соҳасида Ҳиндистон билан ҳамкорликни янада чуқурлаштириш мақсадида фармацевтик препаратлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш, вакцинация тўғрисидаги сертификатларни ўзаро тан олишни жадаллаштириш, вирусолог врачлар тайёрлаш дастурини бошлаш, аюрведа таълимотлари ва йога амалиёти ҳамда Ибн Сино рисолалари асосида замонавий соғлиқни сақлаш ютуқларини тўлдириб турадиган анъанавий тиббиёт усулларини жорий қилишни муҳим деб ҳисоблаймиз.

Ушбу ташаббусларни тизимли амалга ошириш мақсадида ҳар йили “Ҳиндистон — Марказий Осиё” соғлиқни сақлаш форумини ўтказишни таклиф этамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, пандемия оқибатларини енгиб ўтишда кўрсатилган ёрдам учун Ҳиндистон томонига самимий миннатдорчилик билдираман.

Таълим соҳасидаги шериклик сермаҳсул эканини мамнуният билан қайд этмоқчимиз. Бугун Ўзбекистонда Ҳиндистоннинг учта етакчи университети фаолият юритмоқда, уларда тўрт мингга яқин талаба таҳсил олмоқда.

Бундан ташқари, Ҳиндистон компаниялари мамлакатимизда “IB” дастури доирасидаги халқаро мактаблар ташкил этишга инвестиция киритишни бошлади. Ҳиндистоннинг тилларга ўқитиш методикаси жорий қилинмоқда.

Таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида олий таълим муассасаларининг филиаллари ва профессионал таълим марказларини очиш, илмий ва академик алмашинувларни йўлга қўйиш, инновацион ишланмалар ва стартапларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган “йўл харитаси”ни ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Ахборот технологиялари соҳасидаги шериклик биз учун кенг истиқболлар очмоқда. Рақамлаштириш борасида жаҳоннинг пешқадамларидан бири ҳисобланган Ҳиндистон мамлакатимиз IT индустриясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Яқин истиқболга мўлжалланган қўшма режаларимизда — учинчи мамлакатлар бозорларига дастурий маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш, шу жумладан, бизнес жараёнларининг аутсорсинги.

IT соҳасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида рақамли инновациялар, молиявий ва блокчейн технологияларни жорий қилиш, киберхавфсизликни таъминлаш, мутахассислар тайёрлаш каби йўналишларда ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқишни таклиф қиламан.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЮРАК-ҚОН ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолига кўрсатилаётган кардиологик ва кардиожарроҳлик хизматлари сифатини яхшилаш, ҳудудларда юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва самарали даволаш ишларини кенгайтириш, беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни зарур дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолиятини трансформация қилиш мақсадида:

1. Қуйидагилар юрак-қон томир касалликларининг олдини олишда **асосий йўналишлар** этиб белгилансин:

бирламчи тиббиёт муассасалари томонидан **даврий тиббий кўрикларни** йўлга қўйиш ҳамда **соғлом турмуш тарзини** кенг тарғиб қилиш;

Давоми 2-бетда

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

## ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ ИСЛОҲОТЛАРИ

### адолатли ва обод яшаш йўлидаги катта қадамлар билан қадрланади

**Шу кунларда ким билан гаплашманг, ҳамманинг тилида бир гап: Аллоҳга шукр, юртимизда тинчлик-хотиржамлик, ҳаётимиз фаровон, фарзандларимиз соғ-саломат. Президентимиз бошлаган ўзгаришларга кўз тегмасин.**

Шукроналик ҳисси, мана беш йилдирки, ҳеч биримизни тарк этгани йўқ. Кўзлаган мақсадларимиз улкан эди. Аввалбошданоқ Президентимиз раҳбарлигида маррани баланд олиб, халқимиз ҳаётини яхшилашни олдимизга олий мақсад қилиб қўйган эдик. Бу ниятларга ортиғи билан эришдик, дейишга бугун тўлақонли асосларимиз бор.

Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАГАН ХАЛҚЧИЛ БОШ ДАСТУР

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 январь куни 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси мазмун-моҳияти, уни яқин ва ўрта истиқболда амалга ошириш механизмлари ҳақида батафсил сўз юритилди.**

Шу муносабат билан мазкур дастуруламал ҳужжатнинг маъно-моҳияти ва аҳамияти ҳақида фикр юритиш ниҳоятда долзарбдир. Тараққиёт стратегияси лойиҳасининг кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилганига доир тафсилотларга ҳам мухтасар тўхталиш ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Давоми 4-бетда

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “ҲИНДИСТОН – МАРКАЗИЙ ОСИЁ” БИРИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Ушбу ташаббусни амалий рўёбга чиқариш учун Жавахарлал Неру номидаги Ўзбек-Ҳинд ахборот технологиялари маркази имкониятларини ишга солишга тайёрмиз.

Ҳамкорлигимизнинг иккинчи энг муҳим стратегик устуворлиги иқтисодий шерикликни чуқурлаштиришдан иборат.

Кейинги беш йилда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги товар айирбошлаш қарийб икки баробар кўпайди, қўшма корхоналар сони тўрт юзтага етди.

Саноат, инфратузилма ва қурилиш соҳаларида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Андижон вилояти ва Гужарат штати ўртасидаги кооперация муваффақиятли ривожланмоқда.

Мамлакатларимиз бизнеси ва ҳудудлари даражасида тўғридан-тўғри алоқаларни рағбатлантириш мақсадида “Ҳиндистон – Марказий Осиё” ишбилармонлар кенгаши фаолиятига янги суръат бағишлашни таклиф этамиз.

Кенгаш инвестициялар ва савдо соҳаларида ўзаро тўлдириб туриш омили асосида янги ўсиш нуқталарини аниқлаш учун тадбиркорларимиз ўртасида узоқ муддатли шериклик алоқаларини йўлга қўйишга фаол кўмаклашиши лозим.

Шу билан бирга, Ҳиндистон ва Марказий Осиё ўртасида тўғридан-тўғри ерусти транспорт йўллари мавжуд эмаслиги иқтисодий муносабатларимизнинг жадал ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий омил бўлиб қолмоқда.

Шу муносабат билан биз Чабаҳор порти орқали янги йўлакни ишлаб чиқишга киришдик. Бу порт “Шимол-Жануб” ташаббуси доирасида мамлакатларимиз ўртасида юклар етказиб беришнинг муҳим бўғинига айланиши мумкин ва шарт.

Мамлакатларимиз транспорт вазирларининг учрашувларини йўлга қўйиш таклифини қўллаб-қувватлаймиз.

Ушбу механизмнинг аниқ мазмундорлиги ва амалий натижадорлигини таъминлаш муҳимдир.

Вазирларнинг биринчи йиғилиши кун тартибига “Қуруқ” портлар тармоғини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, юк ташишда бир хил чегирма ва имтиёзли тарифлар тақдим этиш, юкларни божхона расмийлаштируви тартиботларини соддалаштириш масалаларини киритишни таклиф этамиз.

Энергетик самарадорлик ва “яшил” тараққиёт масалаларига муҳим эътибор қаратмоқдамиз. Шу муносабат билан Ҳиндистоннинг муваффақиятли тажрибаси ва технологиялари биз учун катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳурматли Ҳиндистон Бош вазири ташаббуси билан ташкил этилган Халқаро қуёш альянсига қўшилиш ниятидамиз.

“Яшил” энергетика соҳасидаги минтақавий ҳамкорлик масалаларини жорий йил сентябрь ойида Оролбўйида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида ўтказиладиган халқаро форумда батафсил муҳокама қилишни таклиф қиламиз.

Учинчи устувор йўналиш — маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик.

Умумий меросимизни бўлажак авлодлар учун сақлаб қолиш мақсадида музейлар ҳамкорлиги, кўргазма ва анжуманлар, шу жумладан, онлайн шаклда ташкил этиш, қўлёзма фондларини рақамлаштириш ва қўшма виртуал кутубхоналар яратиш, умумий тарихий-археологик меросни тадқиқ этишни назарда тутадиган биргаликдаги тадбирлар дастурини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Шунингдек, Ҳиндистон билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигида Марказий Осиё мамлакатларида Ҳинд киноси ҳафталиги ва Ҳинд маданияти фестивалини ўтказишни таклиф қиламиз.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Биз олдимизга қўйган режалар муваффақиятли амалга ошишининг энг муҳим шарти минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдир.

Афғонистондаги мураккаб вазият умумий эътиборимиз марказида қолмоқда.

Ушбу мамлакатда гуманитар инқироз авж олмаслигига йўл қўймаслик ҳамда тинчлик жараёнига кўмаклашиш муҳим.

Бу Афғонистонда тинчликни таъминлашга ҳамда Марказий Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кучайтиришга хизмат қиладиган муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш учун янги имкониятлар очади.

Муҳтарам ҳамкасблар!

Бугун билдирилган муҳим таклиф ва ташаббусларнинг рўёбга чиқарилиши мамлакатларимизнинг “Ҳиндистон — Марказий Осиё” форматидаги кўп томонлама шериклигини янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратади.

Шу маънода, якуний Деҳли декларациясини қўллаб-қувватлаймиз.

Сўзим якунида Бош вазир Моди жанобларига саммитни ташкил этгани учун яна бир бор самимий миннатдорчилик билдираман.

Барча иштирокчиларга муваффақият ва соғлиқ-омонлик тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат!

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ “ҲИНДИСТОН – МАРКАЗИЙ ОСИЁ” САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Бошланиши 1-бетда

Бунга мисол тариқасида кейинги йилларда мамлакатимизда ҳиндистонлик ҳамкорлар билан биргаликда замонавий кўп тармоқли тиббиёт марказлари ташкил этилгани кўрсатиб ўтилди. Айни пайтда, Ҳиндистоннинг етакчи тиббий университетларининг Ўзбекистондаги филиаллари қошида бундай клиникалар тармоғи янада кенгайтирилади.

Президентимиз фармацевтик препаратлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, вакцинация тўғрисидаги сертификатларни ўзаро тан олишни жадаллаштириш, вирусолог врачлар тайёрлаш дастурларини бошлаш, анъанавий тиббиёт усулларини кенг жорий қилиш ташаббусларини билдирди. Уларни илгари суриш мақсадида ҳар йили қўшма Соғлиқни сақлаш форумини ўтказиб бориш таклиф қилинди.

Юртимиз таълим соҳасида Ҳиндистоннинг учта йирик олий таълим муассасалари муваффақиятли фаолият юритмоқда, халқаро мактаблар очиш дастурлари амалга оширилмоқда, Ҳиндистоннинг тилларни ўқитиш методикаси жорий қилинмоқда.

Ўзбекистон етакчиси янги университетлар ва профессионал таълим марказларини очиш, илмий ва академик алмашинувларни йўлга қўйиш, инновацион ишланмалар ва стартапларни қўллаб-қувватлашга қаратилган “йўл харитаси”ни ишлаб чиқишни таклиф этди.

Ахборот технологиялари соҳасидаги шерикликнинг кенг истиқболлари алоҳида қайд этилди. Рақамлаштириш соҳасида жаҳоннинг пешқадамларидан бири ҳисобланган Ҳиндистон мамлакатимиз IT тармоғи ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Рақамли, молиявий ва блокчейн технологияларини ривожлантириш, киберхавфсизлик ва кадрлар тайёрлаш борасида, шу жумладан, мавжуд платформалар негизида ҳамкорлик қилишнинг минтақавий дастурини қабул қилиш ташаббуси илгари сурилди.

Иккинчи энг муҳим стратегик устувор йўналиш сифатида давлатимиз раҳбари иқтисодий шерикликни кенгайтиришни таклиф этди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги товар айирбошлаш қарийб икки баробарга ортди, қўшма корхоналар сони 400 тага етди. Йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда, Андижон вилоятининг Гужарат штати билан кооперацияси муваффақиятли ривожланмоқда.

Тадбиркорлар ва ҳудудлар даражасидаги бевосита алоқаларни рағбатлантириш, инвестициялар ва савдо соҳасида янги ўсиш нуқталарини аниқлаш мақсадида “Ҳиндистон — Марказий Осиё” ишбилармонлар кенгаши фаолиятига жадал суръат бағишлаш муҳим экани таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти минтақа мамлакатлари ўртасидаги транспорт алоқалари самарадорлигини ошириш ва замонавий инфратузилма яратиш масалаларининг устувор аҳамиятини қайд этди.

“Қуруқ” портлар тармоғини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, юк ташишда чегирма ва имтиёзли тарифлар тақдим этиш, божхона тартиботларини соддалаштириш мақсадида транспорт вазирларининг кўп томонлама учрашувлари механизмини йўлга қўйиш таклифи қўллаб-қувватланди.

Энергетик самарадорлик ва “яшил” тараққиёт соҳаларида Ҳиндистоннинг илғор тажрибасини ва кооперация истиқболларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги минтақавий ҳамкорлик масалаларини жорий йилнинг сентябрь ойида Оролбўйида ўтказиладиган халқаро форумда муҳокама қилиш таклифи илгари сурилди.

Маданий-гуманитар соҳа учинчи устувор йўналиш сифатида қайд этилди. Музейлараро ҳамкорлик, кўргазма ва анжуманлар ташкил этиш, қўлёзма фондларини рақамлаштириш ва виртуал кутубхона яратиш, умумий тарихий-археологик меросни тадқиқ этишни назарда тутадиган қўшма чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Ҳиндистон билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан минтақа мамлакатларида ҳинд маданияти ва киноси фестивалларини ўтказиш таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари Афғонистонда сақланиб қолаётган мураккаб вазиятга алоҳида тўхталди. Ушбу мамлакатда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, гуманитар инқирознинг авж олишига йўл қўймаслик, йирик инфратузилма лойиҳаларини илгари суришга кўмаклашиш чораларини кўриш муҳим экани таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси Бош вазир Нарендра Моди ва дўст Ҳиндистон халқини Республика куни ва мамлакат мустақиллигининг бўлажак 75 йиллиги билан табриклади.

Бошқа делегациялар раҳбарлари ҳам ўз нутқларида шериклик муносабатлари ва минтақавий ҳамкорликни, энг аввало, савдо, инвестициялар, инновациялар, транспорт, инфратузилма, саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият ва туризм соҳаларида кенгайтириш учун катта имкониятлар борлигини қайд этдилар.

Саммит якунида Марказий Осиё давлатлари ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик муносабатлари ва кўп қиррали шерикликни янада мустаҳкамлашнинг муҳим масалаларига доир умумий ёндашувлар баён қилинган Деҳли декларацияси қабул қилинди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ЮРАК-ҚОН ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

эҳтиёжманд аҳоли қатламларини зарур **дори воситалари билан бепул таъминлаш**;

**ҳудудларда** кўрсатилаётган юқори технологик, кам инвазив кардиологик ҳамда кардиожарроҳлик **тиббий хизматлар кўламини ошириш**;

**бирламчи бўғиндаги мутахассисларнинг** касбий кўникмаларини ривожлантириш ва **салоҳиятини ошириш**, соҳада **илм-фанни** ривожлантириш;

юрак-қон томир касалликлари бўлган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини **рақамлаштириш**.

2. Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида аҳоли билан бевосита маҳаллада ишлайдиган “тиббиёт бригадалари” ва оилавий поликлиникалар ролини тубдан ошириш ҳамда юрак-қон томир касалликларини эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида **2022 йилдан бошлаб**:

**йилига бир марта** 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган аҳолининг **саломатлик профилини** (овқатланиш характери, тамакига қарамлик, тана вазни индекси, артериал босим, қондаги қанд ва холестерин даражаси ва бошқалар) баҳолаш;

40 ёшдан ошган аҳолини оилавий поликлиника ва тиббиёт бригадалари орқали **йилига камида бир марта** манзилли скрининг текширувларидан ўтказиш;

юрак-қон томир касалликлари аниқланган беморларнинг ягона электрон реестрини юритиш ҳамда ушбу турдаги касалликлари мавжуд “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”да бўлган **200 мингдан** зиёд аҳолига **эналаприл** (Enalapril) дори воситасини **бепул тарқатиш**;

эҳтиёжга кўра туман (шаҳар) шифохоналари лабораторияларини **коагулометр ускунаси ҳамда зарур реактивлар** билан тўлиқ таъминлаш йўлга қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сон фармонига мувофиқ, юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол, “Workout” (маҳалла ва кўча фитнеси) спорт турларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб ҳар йили 104 миллиард сўмдан маблағлар ажратилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари:

а) Туризм ва спорт вазирлиги (А.Каримов), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Р.Маматов) билан биргаликда:

ҳар йил якунида замонавий фитнес учун шароитга эга кўчаларни барпо этиш мақсадида намунали маҳаллалар рўйхатини шакллантириб борсин;

ҳар йили туман ва шаҳарларда замонавий фитнес учун шароитга эга кўчалари мавжуд бўлган биттадан намунали маҳаллаларни ташкил қилсин;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов) билан биргаликда **2022 йил якунига қадар** туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида юқумли бўлмаган касалликлар, шу жумладан, юрак-қон томир касалликлари ва уларнинг асоратлари профилактикаси, ўз касаллигини доимий назорат қилиб бориш кўникмасини шакллантиришга қаратилган **“Профилактика мактаблари”**ни ташкил этсин.

Бунда, **“Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” хоналари**ни ташкил этиб, беморларни **35 турдаги** тарқатма материаллар билан таъминласин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази (Х.Фозилов):

а) **2023 йил 1 январга қадар:**

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) билан биргаликда тиббиётнинг бирламчи бўғинида фаолият юритувчи оилавий шифокорлар ишини соддалаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида **Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг протоколига асосланган юрак-қон томир касалликлари хавф-стратификациясини баҳолаш учун мобиль илова** яратиб, амалиётга татбиқ этсин;

асосланган ҳисоб-китоблар ҳамда эҳтиёжга кўра, **туман (шаҳар)** шифохоналарини **4 турдаги** кардиология ускуналари билан жиҳозлаш ҳисобига кўрсатиладиган хизмат турлари **15 тага** етказилишини таъминласин;

б) Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг (кейинги ўринларда — Марказ) **ҳудудий филиалларида** кардиология йўналишида **юқори технологик жарроҳлик амалиётлари** турини босқичма-босқич **15 турдан 35 тургача** оширсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари бир ҳафта муддатда мазкур қарор талаблариga мувофиқ тегишли ҳудудларда 2022-2024 йилларда кардиология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича **ҳудудий дастурларни** ишлаб чиқсин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида кўриб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

6. Молия вазирлиги (Т.Ишметов) **2022 йилда**:

“Соғлом турмуш тарзи” платформасидан фойдаланувчиларни рағбатлантириш, уларнинг сонини янада ошириш ҳамда бу борада олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида Давлат бюджетидан **100 миллиард сўм** ажратилишини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари лабораторияларини эҳтиёжга қараб коагулометр ускунаси ва зарур реактивлар билан таъминлаш ҳамда “**Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи**” **хоналари**ни ташкил этиш учун ҳар бир туман (шаҳар) бюджетларида **350 миллион сўмгача** маблағ кўзда тутилишини;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида 4 турдаги кардиология ускуналари мавжудлиги юзасидан хатлов ўтказишни ҳамда зарур бўлган жиҳозларнинг хариди учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига марказлашган тартибда ажратиладиган маблағлар ҳисобидан **60 миллиард сўмгача бўлган миқдорда** маблағ ажратилишини таъминласин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (У.Собиров), Марказ (Х.Фозилов):

а) **2023 йил 1 январга қадар** Марказ клиникасини **кўп тармоқли клиника** сифатида трансформация қилиш ва зарур бўлган замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш чораларини кўрсин.

Бунда:

**2023 йил 1 январга қадар** Марказда юрак-қон томир касалликлари илмий тадқиқотлар лабораториялари ташкил қилинсин;

**2022 йил 1 февралга қадар** Молия вазирлиги (Ж.Абруев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.Вафаев) билан биргаликда Марказнинг юрак қон-томир касалликлари илмий тадқиқотлар лабораторияларини замонавий тиббий ускуналар билан 1-иловага мувофиқ таъминлаш учун халқаро молия ташкилотлари ҳамда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **5 миллион АҚШ доллари** эквивалентидаги маблағларни йўналтириш чоралари кўрилсин;

превентив кардиология, нур ёрдамида диагностика ва бошқа йўналишларда янги илмий тадқиқотлар учун замонавий лабораториялар ташкил этилсин ҳамда Марказда **15 дан** зиёд юқори технологик амалиётларнинг йўлга қўйилиши таъминлансин;

б) **икки ой муддатда** юрак-қон томир касалликларини даволашда қўлланиладиган дори воситалари рўйхатини уларнинг самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқсин ва ҳар йили янгилаб борсин;

в) **2022 йил 1 февралга қадар** Марказнинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мавжуд штатлар доирасида **ҳудудий филиаллар билан ишлаш бўйича директор ўринбосари лавозимини** жорий этсин;

г) **2022 йил якунига қадар**, кейинчалик эса ҳар йили Германия, Россия ва бошқа давлатларнинг нуфузли тиббиёт муассасаларида **30** нафардан кардиолог мутахассисларнинг Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси ҳисобидан малакасини ошириш чораларини кўрсин;

д) **2023 йил якунига қадар** Марказнинг барча ҳудудий филиалларида телемедицина ва телеметрия марказларини ташкил қилсин.

8. Қуйидагилар:

**Кардиология хизматини 2022-2024 йилларда янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда — Дастур) 2-иловага мувофиқ;

**Кардиология хизматини 2022-2024 йилларда янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари** 3-иловага мувофиқ;

**Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг кардиология бўлинмаларини 2022 йилда тиббий ускуналар билан жиҳозлашга доир чора-тадбирлар** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев):

шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлган ҳолатларда ўткир коронар синдроми билан оғриган беморлар учун коронарография ва бирламчи стентлаш амалиётларини Марказнинг ҳудудий филиаллари, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг ҳудудий филиаллари, Туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари ҳамда бошқа ангиограф ускунаси мавжуд даволаш-профилактика муассасаларида Давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириш;

бир миллион ва ундан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатувчи Туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларини ангиограф ускунаси билан таъминлаш;

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С.Кариев) билан биргаликда **икки ой муддатда** юқори технологик кардиожарроҳлик амалиётлари учун ишлатиладиган бир марталик сарфлов воситалари ҳамда тромб эритувчи дори воситаларини республикамизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва уларни узлуксиз таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов):

а) **икки ой муддатда** оилавий шифокор пунктлари ва поликлиникаларда фаолият юритувчи ҳамшираларнинг вазифаларини қайта кўриб чиқиб, шифокоргача ўтказиладиган тиббий кўрик турларини кўпайтириш орқали уларнинг функцияларини кенгайтириш;

б) **2022 йил якунига қадар** Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (Х.Акилов), Марказ (Х.Фозилов) билан биргаликда:

тиббиёт бригадаларининг **14 минг нафар** оилавий шифокорларини касалликлар профилактикаси, уларни барвақт аниқлаш, даволаш ва бирламчи ёрдам кўрсатишга ўқитиш;

хорижда тажриба орттирган хусусий сектор вакиллари билан ҳамкорликда бирламчи бўғиндаги **500 нафар** мутахассисларни кардиология ва лаборатория йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда барча оилавий шифокор пунктлари ва поликлиникаларда шифокор олди кўрик хоналарини ташкил қилиш ҳамда **15 минг нафар** ҳамширани махсус курсларда ўқитиш чораларини кўрсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда бирламчи бўғиндаги мутахассисларни кардиология ва лаборатория йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш учун харажатларнинг 50 фоизи Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармасидан, қолган 50 фоизи маҳаллий бюджетдан қоплаб берилишини таъминласин.

11. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш бўйича соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва жамоатчиликка етказиш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири **Б.Мусаев**, **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси**, **вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Тўйчиев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **2022 йил якунига қадар** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 26 январь

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

# ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ ИСЛОҲОТЛАРИ

## адолатли ва обод яшаш йўлидаги катта қадамлар билан қадрланади



**Танзила НОРБОЕВА,**
**Олий Мажлис Сенати Раиси**

Бошланиши 1-бетда

Бугун эса янги тараққиёт даври остонасида турибмиз. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг қабул қилиниши том маънода тарихий воқеа бўлди.

Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми бўлган ушбу тарихий ҳужжатда яқин ва ўрта истиқболда Ўзбекистоннинг тараққиёт тенденциялари, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини комплекс ривожлантириш йўналишлари аниқ белгилаб берилган.

Тараққиёт стратегиясининг аҳамияти шундаки, унинг ишлаб чиқилишида мавжуд муаммолар эътиборга олинди, ечимини кутаётган долзарб вазифалар акс эттирилди. Энг муҳими, ҳужжатнинг ишлаб чиқилишида халқимиз фаол иштирок этди. Том маънода, халқимиз ҳаммуаллифлигида ишлаб чиқилди, дейиш мумкин.

**Ҳужжатда "Инсон қадри учун" деган тамойилни ҳаётда тўла рўёбга чиқариш вазифаси яққол акс этган. Айтиш керакки, бу қадрият баландпарвоз гаплардан холи тушунча бўлиб, унинг замирида ҳар бир инсоннинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечириши, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиб беришдек устувор мақсад ва вазифалар мужассам.**

Шу жиҳатлар эътиборга олиниб, Тараққиёт стратегиясида еттита устувор йўналиш бўйича **"Инсон қадри учун — 100 та мақсад"** белгилаб олинган. Жумладан:

— инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

— мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

— миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

— адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

— маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

— миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;

— мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

Ушбу мақсадларга эришиш учун жорий йилнинг ўзида умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард долларлик 398 та чора-тадбирни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Стратегиянинг биринчи йўналишида 12 та мақсад, 42 та топшириқ бўлиб, уларнинг ҳар бири инсон қадрини улуғлашга хизмат қилувчи халқчил давлат барпо этиш, аҳоли учун фаровон турмуш шароити яратишда ғоят муҳим саналади.

Биринчи йўналишдаги илк мақсад маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш вазифаси бўлиб, айнан ушбу вазифанинг устувор мақсад сифатида белгилангани бежиз эмас. Зеро, маҳалла аҳолига, оилаларга энг яқин бўғин саналади. Шу жиҳатдан сўнгги йилларда маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш, маҳаллабай ишлаш тизимини жорий этиш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Жорий йилдан маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш мақсадида ҳоким ёрдамчиси институти жорий этилди. Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, молиявий мустақиллиги, бандликни таъминлаш, фуқаролар билан мулоқот қилиш бўйича манзилли ишлар амалга оширилмоқда. Эндиликда бу борадаги ишлар янгича йўналишда давом эттирилади. Бу борада, аввало, маҳалланинг фаол модели яратилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини ҳудудларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишдаги асосий бўғинга айлантириш вазифаси биринчи йўналишнинг иккинчи мақсади сифатида белгиланган.

Айтиш керакки, сўнгги йилларда маҳаллий Кенгашлар ижро органларидан сўровлар ўтказиш, қарорлар бўйича фикрлар билдириш, бюджетни шакллантириш ва назорат қилиш каби масалаларда фаол иштирок этмоқда.

Эндиликда жойларда Тараққиёт стратегиясининг ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилади. Олти миллиондан ортиқ иш ўринлари яратиш бўйича тармоқ ва ҳудудлар дастурлари бўйича ҳисобот эшитиш тизими йўлга қўйилади. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва назорат қилиш юзасидан Кенгашларни асосий бўғинга айлантириш бўйича ишлар ташкил этилади. Сенат қўмиталари билан маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари фаолияти мувофиқлаштирилади. Бу чора-тадбирлар парламент назоратини кучайтириш орқали давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлашга хизмат қилади.

Учинчи мақсад — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асосларини замон талабларига мослаштиришни ҳам даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Тараққиёт стратегиясида бу борада жойлардаги масалаларни самарали ҳал этишда маҳаллий ҳокимликларнинг молиявий имкониятларини кенгайтириш, жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини ошириш, ҳокимлар сайловининг ҳуқуқий асосларини яратиш, ҳудудларда ижро органлари штат бирлиги ва тузилмаларини белгилаш амалиётини кенгайтириш, "ваколатлар реестри"ни шакллантириш, ахборот технологияларини кенг жорий қилиш, 40 дан ортиқ геопортални ишга тушириш билан боғлиқ муҳим чора-тадбирлар ўз ифодасини топган.



> **СТРАТЕГИЯНИНГ БИРИНЧИ ЙЎНАЛИШИДА 12 ТА МАҚСАД, 42 ТА ТОПШИРИҚ БЎЛИБ, УЛАРНИНГ ҲАР БИРИ ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ХАЛҚЧИЛ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ, АҲОЛИ УЧУН ФАРОВОН ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШДА ҒОЯТ МУҲИМ САНАЛАДИ.**

Маълумки, мажозий қилиб айтганда, яқин-яқингача давлат идоралари ва халқ ўртасида катта жарлик бор эди. Давлат идоралари одамларнинг ҳаётий муаммолари билан деярли қизиқмас, юқоридан айтилган буйруқларни бажариш билан банд эди. Қолаверса, давлат хизматлари кўрсатишда коррупция авж олганди.

**Шуниси қувонарлики, Президентимиз томонидан илгари сурилган "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган муҳим тамойил ҳаётда ўз аксини топиши натижасида бугун бу борадаги вазият буткул ўзгарди. Давлат органлари фаолиятини халқ билан мулоқот қилиш, ҳар бир ишни халқ фикри, талаби ва хоҳиш-истагидан келиб чиқиб ташкил этишга қаратмоқда.**

Тараққиёт стратегиясида белгиланган янгича тамойиллар эса бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришга замин бўлади. Хусусан, тўртинчи мақсад — давлат бошқаруви органлари фаолиятини **"фуқарога хизмат қилиш"** тамойили асосида трансформация қилиш борасида давлат бошқаруви тизими қайта кўриб чиқилади, яъни ташкил этиш ва тугатиш тартиблари, мезонларини назарда тутувчи ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқилади. Шунингдек, давлат бошқаруви органларининг штатлар бирликларини оширишга чекловлар ўрнатиш ҳамда кадрлар ва моддий ресурслардан фойдаланиш мезонларини белгилаш назарда тутилган.

Вазирлик ва идораларга ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилишда кўпроқ мустақиллик бериш, шу билан бирга, уларнинг ижро интизомини кучайтириш орқали 5 мақсад — ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини жорий қилиш кўзда тутилган.

Давлат бошқаруви тизимида маъмурий аппаратни ихчамлаштириш ва иш жараёнларини мақбуллаштиришни назарда тутувчи олтинчи мақсад ҳам самарали бошқарув тизимини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақсадга эришиш борасида айрим давлат функцияларини хусусий секторга ўтказишни 3 баробарга ошириш, шунингдек, давлат бошқарувини номарказлаштириш ва очиқлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда кечаётган ислоҳотларни изчил давом эттиришда еттинчи мақсад — Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада ошириш Тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларидан биридир. Бу борада ички ва ташқи сиёсатга оид муҳим вазифаларни ҳал этишда ваколатларини кенгайтириш, қонунларнинг сўзсиз ижро этилишида парламент назорати институтидан фойдаланишни кучайтириш, қонун ижодкорлиги ва парламент назоратида кенг жамоатчилик билан бамаслаҳат иш олиб бориш белгиланган.

Шунингдек, давлат бюджети ташкилотларига аниқ стратегик вазифалар қўйиш, уларга сўров юбориш амалиёти жорий қилинади. Ҳудудлар билан тўғридан-тўғри, шу жумладан, масофавий ишлашни жорий қилиш, ҳудудларни ривожлантириш масалаларида жойлардаги депутат ва сенаторларнинг иштирокини кучайтириш белгиланган.

Бу борада белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда электрон парламентни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда Сенатнинг маҳаллий Кенгашлар билан фаолияти тўлиқ электронлаштирилади.

Сенатор ва депутатлар қонунларни кўриб чиқишдан ташқари, улар асосий ишини жойларда ўзи сайланган округларда ташкил қилади. Бу борада норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш, қонунларнинг қатъий ижросини таъминлаш, деб белгиланган саккизинчи мақсад доирасида Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилади.

Тўққизинчи — "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш, электрон давлат хизматларининг улушини 100 фоизга етказиш ҳамда бюрократияни бартараф этиш мақсади доирасида давлат хизматларини рақамлаштириш борасидаги ишлар янада жадаллаштирилади. Мобиль иловалар орқали хизмат кўрсатиш кенгайтирилади ҳамда уларнинг 20 фоизи хусусий секторга ўтказилади. Давлат хизматларини кўрсатишда шахсни идентификация қилишнинг Mobile ID тизими жорий қилинади, "Электрон ҳукумат" тизими орқали давлат органлари ҳамда хусусий ташкилотлар ўртасида маълумот алмашинуви йўлга қўйилади. Шунингдек, кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш соддалаштирилади, "Фуқароларнинг рақамли паспорти" лойиҳасини жорий қилиш орқали бошқа тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш амалиётидан воз кечилади.

**Давлат фуқаролик хизмати тизимини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш, халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини ҳамда таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш каби мақсадлар ҳам Тараққиёт стратегиясининг асосий ўзаги — инсон қадрини улуғлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.**

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатимизни янада тараққий эттириш, халқимиз муносиб ва фаровон ҳаёт кечириши, ўсиб келаётган ёшларимиз жамиятдан муносиб ўрин эгаллаши, эртамиз бугундан ҳам нурафшон бўлиши учун улуғвор мақсад ва вазифалар белгиланган. Халқимиз томонидан қизғин қўллаб-қувватланаётган бу стратегиядаги ҳар бир мақсад ва тадбирларни тўла рўёбга чиқаришда фаол ва ташаббускор бўлиш, хизмат вазифамизни сидқидилдан бажариш бурчимиздир.

Президентимиз давлат халққа хизмат қилиши шарт ғоясини илгари сурган. Агар биз мана шу Тараққиёт стратегиясида ва унга илова қилинаётган дастурни сўзсиз, сифатли бажарадиган бўлсак, 2026 йилга келиб биз БМТ томонидан эълон қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларини ҳам сўзсиз бажаришга эришамиз.

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДОИМИЙ ВАКИЛИ БМТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТДИ

**26 январь куни Норвегия Бош вазири Йонас Гар Стёре раислигида БМТ Хавфсизлик кенгашининг Афғонистондаги вазиятга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Анжуманда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, БМТнинг Афғонистонга ёрдам кўрсатиш миссияси (ЮНАМА) раҳбари Дебора Лайонс, Хавфсизлик кенгашига аъзо давлатлар, шунингдек, Ўзбекистон, Афғонистон, Покистон ва Эрон доимий ваколатхоналари раҳбарлари ва ходимлари иштирок этди.

Бош котиб Антониу Гутерриш халқаро ҳамжамиятни афғон халқига ёрдам қўлини чўзишга чақириб, акс ҳолда, минтақа ва дунё кўпроқ муаммоларга дуч келишини таъкидлади.

У афғонистонликлар кенг кўламли инқирозни бошдан кечираётгани, вазият қиш фаслида янада кескинлашганини қайд этди. Бунинг устига Афғонистонда сўнгги йигирма йилдаги энг аянчли қурғоқчилик рўй берди. Бу эса, озиқ-овқат таъминотида муаммолар келтириб чиқарди, тўққиз миллионга яқин одамни очликка олиб келди.

БМТ Бош котиби ташкилот афғонларга ёрдам бериш мақсадлари учун жорий йил 4,4 миллиард доллар сўра-




ганини эслатди. Ушбу маблағ озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар етказиб бериш, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларини қўллаб-қувватлаш, тўйиб овқатланмаслик оқибатларини бартараф этиш, уйсизларга бошпана бериш, сув ва санитария воситалари билан таъминлаш учун сарфланади.

Ўтган йили БМТ ва ҳамкор ташкилотлар ушбу мамлакатнинг 18 миллион фуқаросига ёрдам кўрсатгани, бу кўмак ҳажми ундан аввалги йилга нисбатан 60 фоизга кўп бўлгани таъкидланди. Маҳаллий ва халқаро гуманитар ходимлар озиқ-овқат етказиб берди, соғлиқни сақлаш муассасалари ва мактабларнинг фаолият юритишига кўмаклашди. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти, жумладан, Хавфсизлик кенгаши ривожланиш ғилдирагини ҳаракатга келтириш ва Афғонистондаги вазият янада ёмонлашишига йўл қўймаслик мақсадида маблағ билан таъминлаш учун биргаликда ҳаракат қилиши зарур, деди БМТ етакчиси.

Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий вакили Бахтиёр Ибрагимов Тошкент томонидан афғон халқига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида батафсил маълумот берди. Ўзбекистон 2021 йил сентябрь ва декабрь ойларида биринчилардан бўлиб Афғонистонга озиқ-овқат, энг




зарур товарлар, кийим-кечак ва кўмир кўринишидаги инсонпарварлик ёрдами жўнатгани маълум қилинди.

Ўзбекистон Афғонистонга нисбатан доимо ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган дўстлик сиёсати юритаётгани алоҳида таъкидланди.

Айни пайтда чегарадош Термиз шаҳри орқали Афғонистонга нафақат Ўзбекистон, балки минтақанинг бошқа давлатлари ва халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ томонидан инсонпарварлик ёрдами етказиб берилаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон томонидан Термиз шаҳрида БМТ шафелигида кўп функцияли хаб яратиш ташаббуси илгари сурилгани ҳақида маълум қилинди. Мазкур тузилма Афғонистонга инсонпарварлик ёрдамини ўз вақтида ва мақсадли етказиб беришга имконият яратиши, шу жумладан, халқаро саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириши ва донорлар ҳамжамияти томонидан ажратилаётган ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашига эътибор қаратилди. Ушбу мақсадлар учун Термиз шаҳрида зарур инфратузилма — аэропорт, Афғонистон билан боғланган темир йўл ва автомобиль йўли, шунингдек, чегарага яқин ҳудудда жойлашган ва замонавий жиҳозлар билан таъминланган "Термиз карго маркази" йирик логистика терминали мавжудлиги таъкидланди. БМТнинг Қочқинлар бўйича Олий комиссарлиги ва Жаҳон озиқ-овқат дастури айни пайтда ушбу терминалдан Афғонистонга гуманитар ёрдам етказиб беришда фойдаланаётгани айтиб ўтилди.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, жумладан, энергетика ва транспорт соҳаларида лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш давом эттирилишини қўллаб-қувватлайди. Хусусан, мамлакатимизнинг Афғонистон билан биргаликда иккита йирик лойиҳа — Сурхон — Пули-Ҳумри электр узатиш линияси ва Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли қурилишини амалга оширишга тайёрлиги тасдиқланди. Бундан ташқари, яқинда ўзбекистонлик мутахассислар Мозори-Шариф халқаро аэропорти фаолиятини тиклаш бўйича ишларни якунлагани айтилди.

Ўзбекистоннинг БМТ билан фаол ҳамкорликни давом эттириш тарафдори эканлигига урғу берилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Афғонистонга ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларни сафарбар қилиш ва мувофиқлаштиришда етакчи роль ўйнаши зарурлиги қайд этилди.

**"Дунё" АА**
*Нью-Йорк*

МУНОСАБАТ

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАГАН ХАЛҚЧИЛ БОШ ДАСТУР



**Акмал САИДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори**

Бошланиши 1-бетда

## Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китоби ва сайловолди учрашувлари

Мамлакатимизда 2021 йили бўлиб ўтган Президент сайлови давомида давлатимиз раҳбарининг **“Янги Ўзбекистон стратегияси”** номли янги китоби, биринчи навбатда, Тадбиркорлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси электорати ўртасида кенг муҳокама қилинди. Ўз навбатида, сайловолди учрашувларида Тараққиёт стратегияси ўзига хос умумхалқ муҳокамасидан ўтказилди.

Шу маънода, ўтган йил 9 сентябрдан — 5 ноябрга қадар давом этган бу жараённи **Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси лойиҳаси муҳокамасининг биринчи босқичи** сифатида қайд этиш мумкин.

Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Эл-юртимиз биз бошлаган халқчил ислоҳотларга бугун хайрихоҳлик ва қатъий ишонч билан қараб, уларнинг ҳосили ва самарасини тезроқ кўришни истамоқда. Ана шу ҳақли талабни инобатга олган ҳолда, биз Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиб, сайлов жараёнида уни ўзига хос умумхалқ муҳокамасидан ўтказдик”.**

**“Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”**, деган ном бежиз танланмаган. Бу ном, аввало, мазкур Тараққиёт стратегияси — 2017 йил февралида тасдиқланган ва кейинги беш йил ичида ҳаётга изчил татбиқ этилган **Ҳаракатлар стратегиясининг янги босқичдаги мантиқий давоми** эканини англатади.

**Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари”** тамойили илгари сурилган. Бинобарин, Ҳаракатлар стратегиясидаги ҳар бир йўналишни тараққиётнинг янги босқичида мантиқий, кенг кўламли ва изчил асосда ривожлантириш ҳамда янги устувор йўналишларда муҳим натижаларга эришиш кўзда тутилмоқда.

## Етти устувор йўналиш — инсон қадрини таъминлаш тимсоли

Ўз навбатида, халқимизнинг тўла ишончи билан қайта сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи “**Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” лойиҳаси муҳокамасининг иккинчи босқичи**ни бошлаб берди. Бу босқич 2021 йилнинг 6 ноябридан 29 декабригача давом этди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида баён этилган янги ғоя ва ташаббуслар сайловчилар, бутун халқимиз билдирган таклиф, фикр ҳамда мулоҳазалар билан умумлаштирилиши ва такомиллаштирилиши ҳисобига янада сайқал топди. Натижада учта ҳужжат:

**биринчидан,** Президентимизнинг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони;

**иккинчидан,** 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича Давлат дастури;

**учинчидан,** 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Хусусан, агар Ҳаракатлар стратегиясида 5 та устувор йўналиш белгилаб олинган бўлса, тараққиёт ўзгаришларининг янги тарихий босқичда давом эттирилиши кўзда тутилган ҳолда, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясига 2 та янги устувор йўналиш қўшилди. Шундай қилиб, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида еттита устувор йўналиш назарда тутилган.

Бу — бежиз эмас. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“аждодларимиз етти рақамини бахт-саодат ва омад келтирадиган, эзгу ниятни рўёбга чиқарадиган хосиятли тимсол, деб билганлар”.**

Тараққиёт стратегиясида Ҳаракатлар стратегияси доирасида эришилган ютуқлар, хусусан, асосий натижаларга оид далил ва рақамлар ҳам келтирилган. Мисол учун, Ҳаракатлар стратегиясини ижро этиш учун **300 дан ортиқ қонун ва кодекс, Президентимизнинг 4 мингдан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинган.** Шу тариқа Ҳаракатлар стратегияси якунига келиб, **Янги Ўзбекистон пойдеворининг ҳуқуқий асослари яратилди.**

Келгусида **Тараққиёт стратегияси доирасида бир қатор концепция ва дастурлар, 13 та кодекс, 12 та қонун, яъни ҳар бир устувор йўналишда зарур қонун ҳужжатлари қабул қилиниши** кўзда тутилган.

Бинобарин, янги ҳужжат — **Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси** энди Янги Ўзбекистоннинг пойдеворини тиклаш ва биносини қуришга қаратилган. Бу буюк бунёдкорлик жараёни 2026 йилгача бўлган даврни қамраб олади ва йилма-йил амалга ошириб борилади.

## Халқ фикридан сайқал топган Тараққиёт стратегияси

Ҳар учала ҳужжат лойиҳаси ўтган йил 30 декабрь куни жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Шу тариқа **“Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” лойиҳаси муҳокамасининг учинчи босқичи** 2021 йил 30 декабрдан жамоатчилик муҳокамалари якунига етган сана, яъни 2022 йил 15 январгача бўлган даврни қамрайди.

Ушбу муҳим ҳужжат лойиҳалари 2022-2026. strategy.uz, jamoatchilik.uz ва regulation.gov.uz электрон платформалари орқали кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама учун жойлаштирилгани юртдошларимизга ўз таклифларини билдириши учун қулай имконият туғдирди. Натижада қизғин ва жиддий муҳокамалар асосида фақатгина электрон платформалар орқали жами **17 минг 535 та таклиф келиб тушди.**

**Жамоатчилик муҳокамалари миллий ва халқаро миқёсда кенг ташкил этилгани диққатга лойиқ.** Миллий муҳокамаларнинг ўзи ҳам бир нечта йўналишда ўтказилди.

Авваламбор, Тараққиёт стратегияси **парламент йўналишида** — Олий Мажлис палаталари мажлисларида, қўмита ва комисссиялар, сиёсий партиялар фракциялари, Ёшлар парламентларида муҳокама қилинди.

Шунингдек, давлат органлари масъул ходимлари, соҳа мутахассислари, олимлар, профессор-ўқитувчилар, турли соҳа вакиллари иштирокида “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” лойиҳаси муҳокамасига бағишланган конференция, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилди.

Бу борада нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, фуқаролик жамияти фаоллари алоҳида намуна кўрсатди. Муҳокама жараёнларига хориждаги ватандошларимиз ҳам кенг жалб этилди.

Бундан ташқари, Тараққиёт стратегиясига халқаро даражада ва хорижий экспертлар томонидан фаол ҳамда юксак баҳолар берилдики, бу ҳақда алоҳида тўхталамиз.

Қолаверса, интернет, телевидение, радио ва матбуот нашрларининг имкониятидан унумли фойдаланган ҳолда, мунтазам равишда жамоатчилик муҳокамалари ўтказиб борилди.

Шу қамровдор жараёнларда билдирилган барча таклиф ва фикр-мулоҳазалар тегишли соҳа мутахассислари томонидан диққат билан ўрганиб чиқилди. Натижада минглаб таклифлар Тараққиёт стратегиясини тегишли равишда бойитишга тўғридан-тўғри хизмат қилди.

Бунга биргина яққол мисол: “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинганида 94 та мақсаддан иборат бўлган. Жамоатчилик муҳокамалари якунидан сўнг Тараққиёт стратегиясидаги ушбу мақсадлар сони 100 та этиб белгиланган.

Президент Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, **“Давлат — инсон учун” деган эзгу ғояни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини бевосита халқимиз билан маслаҳатлашиб, одамларимизнинг фикр ва таклифлари асосида ишлаб чиқдик”.**



> ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ҚАЙД ЭТГАНИДЕК, “ДАВЛАТ — ИНСОН УЧУН” ДЕГАН ЭЗГУ ҒОЯНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ МАҚСАДИДА 2022-2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ БЕВОСИТА ХАЛҚИМИЗ БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШИБ, ОДАМЛАРИМИЗНИНГ ФИКР ВА ТАКЛИФЛАРИ АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚДИК”.

## Тарихий дастуруламал ҳужжатнинг уч аҳамияти

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг маъно-моҳияти ҳақида сўз борганда, унинг қуйидаги учта даражада намоён бўладиган тарихий аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

**Биринчиси — Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг миллий даражадаги аҳамияти.** Тараққиёт стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар ва энг муҳим вазифаларнинг атрофлича таҳлили шундан далолат берадики, янги Ўзбекистонда мутлақо янги миллий ҳуқуқий тизим шаклланмоқда. Яъни **“Инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари, айниқса, қадри — олий қадрият”, деган тамойил** эътироф этилмоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида йиллар давомида амал қилиб келган “**давлат — жамият — инсон**” тамойили **“инсон — жамият — давлат**” тамойилига ўзгартирилмоқда. Янада содда қилиб айтганда, Ўзбекистонда ҳар бир фуқаронинг қадрини юксалтириш ва фаровонлигини ошириш зарурлигига урғу берилмоқда.

Энг асосийси, **Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги 7 устувор йўналишнинг бош ғояси — инсон қадрини таъминлаш.** Чунки Президентимизнинг сайловолди дастуридаги асосий ғоя ҳам **“Инсон қадри учун”** тамойили эди.

Инсон қадрини жойига қўйишни қонуний ва ташкилий-ҳуқуқий йўллар билан ҳаётимизнинг барча соҳаларида миллий, минтақавий ва халқаро ҳамкорлик даражаларида қандай қилиб амалга ошириш керак? Тараққиёт стратегиясида бу долзарб саволга жуда кўплаб аниқ мақсадларга қаратилган амалий жавоблар бор.

**Иккинчиси — Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг минтақавий даражадаги аҳамияти.** Тараққиёт стратегиясида кўзда тутилган мақсадларда Марказий Осиё халқлари ўртасида яқин қардошликни қадрлаш, қўшни мамлакатлар билан манфаатли ҳамкорликни кучайтириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиш бўйича муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилган.

> ЎЗБЕКИСТОННИ БМТ ТУЗИЛМАЛАРИ ОРҚАЛИ ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИГА КЕНГ ТАНИТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ИБРАТЛИ АМАЛИЁТНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЛОЗИМ. БУНДА ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИЯТИНИНГ БМТ ДОИРАСИДАГИ ТАШАББУСЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ, БМТ ВА УНИНГ МУАССАСАЛАРИ БИЛАН ИҚТИСОДИЙ-МОЛИЯВИЙ ВА КОНСУЛЬТАТИВ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АЙНИҚСА, УЛКАН АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

**Учинчиси — Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг халқаро (глобал) даражадаги аҳамияти.** Тараққиёт стратегиясида БМТ органлари ва институтлари, глобал ва минтақавий иқтисодий, молиявий ва гуманитар ташкилотлардаги фаолиятни кучайтириш, хусусан, иқлим, экология, терроризм, коррупция, миграция, камбағаллик каби глобал муаммоларни ҳал этиш борасида халқаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариш ҳақида сўз борган.

Яъни Ўзбекистонни БМТ тузилмалари орқали дунё ҳамжамиятига кенг танитиш билан боғлиқ ибратли амалиётни изчил давом эттириш лозим. Бунда Ўзбекистон раҳбариятининг БМТ доирасидаги ташаббусларини амалга оширишни таъминлаш, БМТ ва унинг муассасалари билан иқтисодий-молиявий ва консультатив ҳамкорликни ривожлантириш, айниқса, улкан аҳамият касб этади.

Тараққиёт стратегиясида, шунингдек, БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари билан маданий-гуманитар ҳамкорликни жадаллаштириш, БМТнинг **“Инсон ҳуқуқлари йўлида ҳаракатга даъват”** ташаббусини илгари суриш учун барча шериклар билан яқин ҳамкорликни давом эттириш истиқболлари кўрсатиб берилган.

Шу нуқтаи назардан, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг нафақат номланиши, айни чоғда унда белгиланган устувор йўналишлар ва муҳим вазифалар ҳам миллий ёки минтақавий миқёсдагина эмас, балки глобал даражада улкан аҳамиятга молик халқаро ҳужжатлар билан уйғун ва ҳамоҳангдир.

Дастлаб Ҳаракатлар стратегиясида, эндиликда эса Тараққиёт стратегиясида ҳам Ўзбекистон бажаришни ўз зиммасига олган БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларини мамлакатимиз ҳаётига татбиқ этишнинг аниқ миллий дастури белгилаб берилди.

Бошқача айтганда, Ўзбекистон ташқи халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўзининг БМТ Барқарор тараққиёт мақсадлари билан ҳамоҳанг ҳолда ривожланиши, бу борадаги ўзига хос ўрни ва аҳамияти, янада муҳими, ибратли тажрибасини бутун дунёга кўрсата олди. Ўз навбатида, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ушбу муҳим тараққийпарвар жараён узлуксиз давом этаётганидан далолат беради.

Бугунги кунда халқаро ҳамжамият томонидан **Тараққиёт ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция** лойиҳаси ишлаб чиқиляпти. Қолаверса, 35 йилдан буён **Тараққиёт ҳуқуқи тўғрисидаги декларация** амал қилмоқда. Шу маънода, **Ўзбекистон Президенти тақдим этган Тараққиёт стратегияси халқаро ҳамжамиятнинг ривожланиш тенденцияларига, бутун дунёнинг тараққиёт трендларига тўла мос келади.**

> БУГУНГИ КУНДА ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ТАРАҚҚИЁТ ҲУҚУҚИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛЯПТИ. ҚОЛАВЕРСА, 35 ЙИЛДАН БУЁН ТАРАҚҚИЁТ ҲУҚУҚИ ТЎҒРИСИДАГИ ДЕКЛАРАЦИЯ АМАЛ ҚИЛМОҚДА. ШУ МАЪНОДА, ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТАҚДИМ ЭТГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИГА, БУТУН ДУНЁНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ТРЕНДЛАРИГА ТЎЛА МОС КЕЛАДИ.

## Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси: халқаро ва хорижий экспертлар баҳоси

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ҳамкор хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар, бутун жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бир қатор нуфузли хорижий ва халқаро экспертлар томонидан Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қамровли ва шиддатли ислоҳотлар самаралари эътироф этилган ҳолда, ушбу янги тарихий ҳужжатнинг лойиҳасигаёқ юксак баҳолар берилдики, улардан айримларига тўхталамиз.

**Мамлакатимизга 2021 йил 28 ноябрь — 7 декабрь кунлари ташриф буюрган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Терроризмга қарши курашда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича махсус маърузачиси Фионнуала Ни Аолайн Ўзбекистоннинг қонун ижодкорлиги ва халқаро ҳужжатлар қабул қилишда ташаббускорлик кўрсатиш соҳаларида етакчи эканини эътироф этган ҳолда, хусусан, “Меҳр” операцияси доирасида фуқароларни мамлакатга қайтариш, реабилитация ва реинтеграция қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни юксак баҳолади.**

Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби **Мартин Чунгонг** Президент Шавкат Мирзиёевнинг миллий парламентларнинг ролини оширишга қаратилган халқаро ташаббусларини тўла қўллаб-қувватлаши ҳақида баёнот берди. Бу ўринда давлатимиз раҳбарининг:

**биринчидан,** БМТ Бош Ассамблеясининг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги махсус резолюциясини қабул қилиш;

**иккинчидан,** жорий йилда Ўзбекистонда Аёл-спикерлар жаҳон саммитини ўтказиш;

**учинчидан,** Ёшлар парламентларини ривожлантириш бўйича ташаббусларни рағбатлантириш ва бу борада яқин ҳамкорликни йўлга қўйишга доир ташаббуслари назарда тутилмоқда.

Ўз навбатида, Женева дипломатик доиралари президенти **Робер Блум** таъкидлашича, Ўзбекистон Президенти илгари сурган хусусий мулк ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусий секторни рағбатлантириш бўйича янги ташаббуслар мамлакатнинг иқтисодий ўсишига ва аҳоли фаровонлиги ошишига олиб келади.

Халқаро **“Diva International”** журнали бош муҳаррири **Марит Фосс** эса, Президент Шавкат Мирзиёев ўзини том маънодаги демократ сифатида намоён этаётганига эътибор қаратган. Халқаро эксперт қайд этишича, Ўзбекистон Президентининг асосий мақсади — инсон қадрини таъминлаш. Бу, ўз навбатида, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни англатади. Мамлакатда номарказлаштириш сиёсати олиб борилаётгани, яъни марказий давлат органларининг айрим муҳим ваколатлари маҳаллий ҳокимият идораларига ўтказилаётгани тўғри ва оқилона йўлдир.

Франциянинг **“Newly”** онлайн нашри ёзишича, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси мамлакат миллий тараққиётида янги босқични бошлаб беради. Айниқса, **“инсон — жамият — давлат**” устувор тамойили жамиятда ижтимоий муҳитни тубдан ўзгартиришнинг муҳим мезонига айланади.

**Давлатимиз раҳбарининг Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла” йилида амалга оширишга оид Давлат дастурини амалга ошириш истиқболлари ҳақидаги нутқини тинглаш асносида бизда ҳам бир қатор фикрлар туғилди. Президентимиз Давлат дастури тўлиқ бажарилиши ва кутилган самараларни бериши учун унинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас.**

Шу мақсадда **миллий даражада:** таълимнинг мактаблардан токи олий ўқув юртларигача бўлган барча босқичларида “Янги Ўзбекистон стратегияси” китоби бўйича миллий иншолар танловини ўтказишни таклиф этамиз. Бу тадбир ёшларимиз онгу шуурида ватанпарварлик, миллий ғурур ғояларини мустаҳкамлаб, кучли ғоявий иммунитет ҳосил бўлишига хизмат қилади.

**Халқаро даражада:** “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” мавзусида гибрид шаклида халқаро форум ўтказиш лозим. Айни йўналишда турли сиёсий-дипломатик тадбирлар ташкил этилиши ҳам айни муддаодир.

Хулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини ҳаётга изчил татбиқ этиш жараёнлари Шавкат Мирзиёев иккинчи марта Ўзбекистон Президенти лавозимини расман бажаришга киришган санадан бошланган. Шундан сўнг орада ўтган **80 кун мобайнида 6 та қонун, Президентнинг 7 та фармони ва 17 қарори қабул қилинди.**

Бу ўринда давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан қабул қилинган “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”, “Тадбиркорлар кунини белгилаш тўғрисида”, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги янги қонунларни ва бир қатор қонунларга киритилган муҳим ўзгартиришларни алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда амалиётга изчил жорий этилаётган ушбу қонун ҳужжатларининг барчаси Тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган устувор йўналишлар ва энг муҳим вазифаларнинг сўзсиз бажарилишига қаратилган.

Айни дамда олдимизда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг маъно-моҳияти ва аҳамиятини теран тарғиб этиш, унда белгиланган муҳим вазифаларни амалга ошириш, ижросини таҳлил ва мониторинг қилиб боришдек улкан кўламдаги вазифалар турибди.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

# Самимийлик, очиқлик ва дўстлик мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 27 январь куни видеоконференция шаклида ўтказилган “Ҳиндистон — Марказий Осиё” биринчи саммитида иштирок этди. Мазкур тадбир халқаро экспертлар ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги яқин ва дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим асос бўлди.**
**“Дунё” ахборот агентлиги ҳиндистонлик экспертларнинг икки томонлама ва минтақалараро ҳамкорлик истиқболларига оид фикр-мулоҳазаларини тақдим этади.**

**Сканд Тайал,**
**сиёсий таҳлилчи,**
**Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси:**



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг таклифига биноан, жорий йил 27 январь куни “Ҳиндистон — Марказий Осиё” онлайн саммитида иштирок этди. Ушбу саммит Ҳиндистон Республикаси куни муносабати билан ҳамда Марказий Осиё давлатлари ва Ҳиндистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги арафасида илк бор ташкил этилди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар ҳақида тўхталишдан аввал халқларимизнинг ўзаро яқин ва дўстлик алоқалари узоқ тарихга бориб тақалишини қайд этиш жоиз.

Ҳиндистон Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган давлатлардан бири ҳисобланади. 2011 йилда томонлар Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолаган.

2016 йил декабрь ойида Президент Шавкат Мирзиёев ўз лавозимига киришганидан сўнг Ҳиндистон билан алоқаларга алоҳида эътибор қаратди ва бу ўзаро муносабатлар ривожига кучли туртки берди. Шу ўринда, Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Нарендра Моди ўртасида яқин, самимий ва дўстона муносабатлар борлигини ҳам алоҳида таъкидлашни истардим.

Президент Шавкат Мирзиёев 2018 йил октябрь ойида Ҳиндистонга давлат ташрифи давомида устувор соҳалардаги ҳамкорликка оид қатор келишувларга эришилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти 2019 йил январь ойида ҳам Ҳиндистонга ташриф буюриб, “Жўшқин Гужарат” глобал саммитида иштирок этгани ҳам икки томонлама муносабатлар юқори даражада эканидан дарак беради. Эришилган келишувлардан бири Андижон вилояти билан Гужарат штати ўртасидаги ҳамкорлик тажрибаси ўз натижасини амалда кўрсатди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли муносабатлар давлат раҳбарлари раҳнамолигида халқларимизнинг хоҳиш-истаклари ва саъй-ҳаракатига ҳамоҳанг равишда жадал равнақ топмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги йиллик товар айирбошлаш ҳажми 500 миллион АҚШ долларига яқинлашди. Бу борада фойдаланилмаган улкан салоҳият мавжудлигини инобатга олган ҳолда, томонлар яқин йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини камида 1 миллиард долларга етказишга интилмоқда. Бугунги кунда олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатлар ана шу маррани эгаллашга қаратилган.

Мудофаа ва хавфсизлик соҳасида ҳам ҳамкорлик алоқалари фаоллашди, Мудофаа вазирликлари ўртасида делегациялар алмашуви кўлами кенгайди. 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари тарихида биринчи марта “Дўстлик” қўшма ҳарбий-ўқув машғулотлари ўтказилмоқда. Улар энг аввало, терроризмга қарши курашга қаратилган. Алоҳида таъкидлаш лозимки, халқаро терроризм Марказий Осиё давлатлари ва Ҳиндистон учун бирдек таҳдид ва хавф ҳисобланади. Бу хатарга қарши курашиш ва уни бартараф этиш бўйича Ўзбекистон ва Ҳиндистон самарали алоқаларни йўлга қўйган. Хусусан, томонлар ўртасида терроризмга қарши курашиш бўйича қўшма ишчи гуруҳ фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон қўшни Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, минтақа ҳамжамияти учун муҳим масалаларни ҳал қилишда катта ташаббус кўрсатаётгани баробарида тегишли саъй-ҳаракатларни ҳам амалга оширмоқда. Ҳиндистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари Афғонистон масаласида амалий қадамларни ҳар томонлама мувофиқлаштириб бориш мақсадида мунтазам мулоқот ўрнатган. Улар доирасида Ўзбекистон хавфсизлик кенгаши котиби ва ташқи ишлар вазирининг 2021 йил ноябрь ва декабрь ойларида Деҳлига ташрифини қайд этиш лозим.

Мамлакатларимиз ўртасида бундай мунтазам тадбир ва изчил мулоқотларнинг ўтказилиши, авваламбор, халқларимизнинг умумий хоҳиш-истаклари, давлат ва ҳукумат раҳбарлари томонидан қаратилаётган алоҳида эътибор, юқорида таъкидлаганимдек, Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Нарендра Моди ўртасидаги яқин дўстона муносабатларнинг амалдаги тасдиғи ҳисобланади. Шундай самимий, очиқ ва дўстона муҳит икки томонлама алоқаларнинг истиқболда янада тараққий этишида муҳим аҳамият касб этади.

**Санжай Пандей,**
**сиёсий таҳлилчи, Жавахарлал Неру университети ҳузуридаги Россия ва Марказий Осиё давлатларини тадқиқ қилиш маркази профессори:**



— “Ҳиндистон — Марказий Осиё” биринчи онлайн саммитида давлат раҳбарлари томонидан минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазият, ўзаро боғлиқлик лойиҳалари, савдо-иқтисодий алоқалар каби қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Узоқ тарихий илдизларга эга Ўзбекистон ва Ҳиндистон алоқалари сўнгги йилларда янада жадал равнақ топди. 2016 йилда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти лавозимига сайлангач Ўзбекистоннинг минтақадаги қўшни давлатлар, шу билан бирга, Ҳиндистон, Хитой, Россия каби дунёнинг етакчи мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини фаоллаштириш бўйича қатор долзарб ташаббусларни илгари сурди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 ва 2019 йилларда Ҳиндистонга ташрифлари икки томонлама алоқалар тарихида янги саҳифа очганига шубҳа йўқ. Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти ва Ҳиндистон Бош вазири ўртасида бир йилда камида бир марта бўлиб ўтадиган мунтазам мулоқот йўлга қўйилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг ўзига хос географик жойлашувидан келиб чиқиб, минтақа транзит салоҳиятини оширишга қаратилган турли ўзаро боғлиқлик лойиҳаларида мамлакатнинг фаол иштирок этишини устувор йўналиш сифатида белгилаб берди. Шу ўринда, Жанубий Осиё йўналишида Эроннинг “Чабаҳор” бандаргоҳи имкониятларидан биргаликда фойдаланиш бўйича қўйилган дастлабки амалий қадамларни алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, Ўзбекистон, Ҳиндистон ва Эрон ўртасида тегишли ишчи гуруҳи ташкил этилди, ўзбекистонлик мутахассислардан иборат делегация мазкур бандаргоҳда бўлиб, унинг имкониятлари билан танишди.

Бундан ташқари, Афғонистоннинг транзит салоҳиятидан фойдаланиш ва мамлакат иқтисодиётининг барқарорлашувига кўмаклашиш мақсадида унинг ҳудудида ўзбекистонлик мутахассислар томонидан 75 километрлик темир йўл қуриб фойдаланишга топширилганлиги ҳам барчамизга маълум.

Юқорида қайд этилган йўналишлардан ташқари Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида ҳамкорликнинг турли истиқболли соҳалари мавжудлигини таъкидлаш лозим. Шу ўринда, яқин йилларда тиббиёт, ахборот-коммуникация технологиялари, олий таълим, туризм каби соҳалар икки томонлама муносабатларда улкан ҳиссага эга бўлиши тахмин қилинмоқда.

Таъкидлаганимдек, Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ва Ҳиндистон алоқаларини ҳар томонлама кенгайтиришга урғу бериб келмоқда. Ўз навбатида, Бош вазир Нарендра Моди бошчилигидаги Ҳиндистон ҳукумати ҳам Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, минтақада нуфузли ва муҳим ўринга эга бўлган Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Яқин келажакда ўзаро икки томонлама муносабатларнинг кўламлари жадал суръатлар билан кенгайишига ишончимиз комил.

**“Дунё” АА**
*Деҳли*

РАҚАМЛАШТИРИШ

**Сўнгги йилларда кўплаб хорижий олий таълим муассасалари катта қизиқиш билан юртимизда ўз филиалларини очиш истагини билдирмоқда. Натижада ҳамкорлик алоқалари кенгайиб, IT мактаблар қуриш, кадрларни сифатли тайёрлаш масалалари бўйича тажриба алмашилаётир. Бу, албатта, қувонарли. Жумладан, технология ва коммуникациялар бўйича дунёнинг етакчи давлатларидан саналган Ҳиндистон университетлари филиалларининг юртимизда фаолият бошлаши икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.**

# Ўзбекистон ва Ҳиндистон: АКТ СОҲАСИДАГИ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК






**Бобур АБДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент шаҳридаги Амити университети бошқарув директори**

Шу кунга қадар ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш бўйича бир нечта лойиҳа амалга оширилди. Ҳиндистон Электроника ва ахборот технологиялари вазирлиги ҳузуридаги Дастурий технологиялар парклари жамияти (STPI) билан ҳамкорлик доирасида Тошкент шаҳрида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки ташкил этилгани фикримизга яққол мисол бўла олади.

Шунингдек, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази ва Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази ўртасида электрон ҳукуматнинг қатор йўналишлари: электрон тиббиёт, электрон таълим, электрон парламент, бизнес жараёнларни автоматлаштириш ва бошқалар бўйича давлат хизматчиларини ўқитишни ташкил этиш юзасидан ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Халқаро тажрибани амалиётда қўллаш, ахборот технологиялари соҳасида билим алмашиш, шунингдек, шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида 2019 йил 18 мартдан бошлаб ҳиндистонлик тажрибали мутахассис IT паркка маслаҳатчи сифатида жалб қилинди.

Ҳиндистон тажрибасига асосланиб, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркини янада ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда Бизнес жараёнлари аутсорсинги (BPO) йўналишини ривожлантириш мақсадида Ҳиндистондан йирик BPO корхоналар жалб қилиниб, улар ёрдамида маҳаллий тадбиркорларни шу йўналишда иш олиб бориш, улар учун барча керакли тренинглар ташкил этиш мўлжалланган. Шу билан бирга, IT парк ҳамда Гужарат электроника ва дастурий таъминот ассоциацияси ўртасидаги ҳамкорлик доирасида Ўзбекистоннинг стартап экотизимини ривожлантириш тўғрисида меморандум имзоланди. Ассоциация мутахассислари иштирокида IT паркнинг иккинчи тўлқини инкубация ва акселерация дастурлари учун стартап лойиҳаларга 169 та танлов ўтказилиб, 23 та стартап лойиҳа танлаб олинди.

Айни вақтда Тошкент шаҳридаги IT паркнинг янги инфратузилма объектларини қуриш концепцияси ишлаб чиқилиб, унда умумий майдони 408 минг квадрат метр бўлган 17 та инфратузилма объекти қурилмоқда.

IT парк ҳамда “iCreate” Халқаро тадбиркорлик ва технологиялар маркази ўртасидаги ҳамкорлик доирасида 2021 йил апрель ойида IT паркнинг бизнес моделини ишлаб чиқиш ва молиявий компонентларни таҳлил қилиш бўйича кўникмаларни шакллантиришга қаратилган 4 та онлайн ўқув сессияси ўтказилди.

## Таълим соҳасидаги узоқ йиллик келишувлар

Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасида кўп тармоқли узоқ йиллик келишувлар шу кунга қадар ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда. Бинобарин, тиббиёт, таълим, электроника, техника, шунингдек, иқтисодий-сиёсий алоқалар шулар жумласидан.

Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Жавахарлал Неру номидаги Ўзбек-Ҳинд ахборот технологиялари маркази 2004 йил 29 октябрда Деҳли шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида имзоланган ўзаро англашув меморандумига мувофиқ ташкил этилган эди.

Марказнинг асосий фаолияти ахборот технологиялари соҳасида ўқув курсларини ташкил этишдан иборат. У, асосан, C / C ++, C # ва Java каби дастурлаш тиллари бўйича талабалар учун узоқ муддатли машғулотлар ҳамда давлат бошқарувидаги мутахассисларга йўналтирилган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга доир қисқа муддатли ўқув курсларини ўз ичига олади.

Марказ ташкил топгандан то ҳозирги кунгача 32800 нафар ўқувчи унда малака оширган. Улардан 5100 нафари Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва бошқа олий ўқув юртлари талабалари ҳисобланади. Қолган 27700 нафари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, йирик компаниялар, банклар ва бошқа ташкилотлар ходимларидир.



Марказ фаолияти шу билан чекланиб қолгани йўқ. У АКТ соҳасида ҳам ўзининг бой тажрибаси билан ўқувчиларни тайёрлаб келмоқда. Ушбу йўналишда кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасида етакчига айланиш мақсадида марказ ўқув курслари мазмунини янгилаш, сунъий интеллект, машинасозлик, киберхавфсизлик каби янги йўналишлар бўйича мураббийларни тайёрлашни мақсад қилган.

## Вилоятларда Ҳиндистон ОТМларининг филиаллари очилади

Жорий йил 19 январь куни Ҳиндистоннинг Acharya институтлар тармоғи ижрочи директори билан учрашув ўтказилди. Учрашувда IT-мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш бўйича келишувга эришилди.

Бундан ташқари, 24 январь куни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мутасаддилари Ҳиндистоннинг Интеграл университети раҳбарияти билан учрашув ўтказди. Мулоқот давомида Ҳиндистонда юқори нуфузга эга бўлган Интеграл университети вакиллари мамлакатимиз вилоятларида ўз филиалларини очиш истагини билдирди.

Шу билан бирга, томонлар ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Хусусан, Ўзбекистонда IT таълимни ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш бўйича фикрлар билдирилди.

Ҳиндистоннинг Интеграл университети мамлакатнинг обрўли олий таълим муассасаларидан ҳисобланади. Мазкур университетга 2004 йили Лакхнау шаҳрида асос солинган. Ҳозир унда қарийб 10 мингга яқин талаба архитектура, компьютер илми, иқтисод, тижорат, маданият ва бошқа соҳалардаги 150 дан ортиқ таълим дастурлари бўйича таҳсил олмоқда. Университетда 17 та таълим йўналиши бўйича бакалаврлар ҳамда 14 та мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланади.

## Тошкент шаҳридаги Амити университети фаолиятига назар

Тошкент шаҳридаги Амити университети 2019 йил 24 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 январдаги “Тошкент шаҳрида Амити университетини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Ҳозир университетда бешта йўналиш (дастурий технологиялар, компьютер инжиниринги, иқтисодиёт, бизнес бошқаруви, туризм бошқаруви) бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда. Таълим муддати бакалавриатда йўналишига қараб 3-4 йил, магистратурада 2 йил олиб борилади. Шунингдек, университетда 11 йиллик мактабни тамомлаган абитуриентларни қабул қиладиган ва асосий бакалавриат курслари бошланишидан бир йил олдин ўқитишни таъминлайдиган бошланғич умумий таълим тизими — Foundation фаолият кўрсатмоқда. Ҳозир Foundation курсларида 298 нафар талаба таҳсил олмоқда.

Таълим жараёни дастлаб тўлиқ шартнома асосида ташкил этилганига қарамасдан, 2019/2020 ва 2020/2021 ўқув йилларида Амити университети (Ҳиндистон)да бакалаврлар учун 40 фоизлик грант ва 2021/2022 ўқув йилида 30 та давлат гранти ажратилди.

Биринчи — 2019/2020 ўқув йили учун кириш имтиҳонларида 499 нафар талаба танловдан ўтди. Кириш имтиҳонлари тўлиқ ҳиндистонлик мутахассислар томонидан уч босқичда ўтказилди.

2020/2021 ўқув йили учун имтиҳон топширишга 11065 абитуриент ҳужжат топширди, улардан 345 нафари танлаб олинди. Яъни бир ўринга 30 дан ортиқ талабгор ҳужжат топширган. Ўзбекистонда кириш имтиҳонлари биринчи марта ҳиндистонлик мутахассислар томонидан тўлиқ онлайн ўтказилди. Бунда барча жараён сунъий интеллект томонидан кузатиб борилди. Бугунги кунда университетда жами 859 талаба таҳсил олмоқда. Ҳозир муассасада 33 нафар чет эллик ўқитувчи ишлайди, уларнинг 60 фоизи фалсафа доктори — PhD даражасига эга.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонга хорижий давлатларнинг ҳар томонлама қизиқиши ортиб бораётгани, албатта, қувонарли. Турли давлатлар қатори бугун Ҳиндистон ҳам Ўзбекистоннинг муҳим стратегик ҳамкорига айланиб бормоқда.




ИНТЕРВЬЮ

# ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ: ПРЕЗИДЕНТНИНГ МАҲАЛЛАДАГИ ВАКИЛИ



**Жорий йилдан бошлаб мамлакатимиз маҳаллаларида ҳоким ёрдамчилари иш бошлади. Бу мутлақо янги тизим аҳволи оғир оилаларга манзилли кўмак бериш, уларни ишбилармонликка жалб қилиш орқали камбағалликни қисқартириш ва халқимизнинг умумий фаровонлигини таъминлашга қаратилгани билан катта аҳамиятга эга.**
**Наманган вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари, вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи Толибжон Юсупов мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар ва ундан кутилаётган натижалар хусусида қуйидагиларни гапириб берди.**

> **Ижтимоий инфратузилма дастурига асосан, 28 та маҳаллада 318 миллиард сўмлик ишлар “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари асосида амалга оширилади. Халқ қабулхоналари томонидан 54 та “оғир” маҳалла аниқланиб, шундан 28 та маҳаллага “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларидан, қолган 26 та маҳаллага маҳаллий бюджетнинг орттириб бажарилган қисмидан маблағ йўналтирамиз. Бу маблағлар маҳаллаларнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш учун ишлатилади. Ҳоким ёрдамчилари билан “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этишда елкама-елка туриб ишлаймиз. Хусусан, Поп ва Чуст туманларида 640 та хонадонга эга 32 та кўп қаватли уй, 2 та боғча, 2 та тиббиёт муассасаси, хизмат ва савдо шохобчалари қурилади.**

— Президентимиз ташаббуси билан маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш орқали камбағалликни қисқартириш, аҳолини молиявий қўллаб-қувватлаш бевосита маҳалла даражасига туширилди. Ўйлаймизки, аҳоли бундан жуда мамнун.

Янги тизимнинг ташкилий ижроси жараёнида Наманган вилоятида мавжуд 780 та маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари иқтисодий билим ва тажрибага эга номзодлар орасидан танлаб олинди. Уларнинг ҳар бири Республика ишчи гуруҳи аъзолари томонидан суҳбатдан ўтказилди. Ҳоким ёрдамчиларининг биттаси аввал республика, 115 таси вилоят ва 664 таси туман ташкилотларида ишлаган.

Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш учун “Асакабанк” раиси Нодирбек Сайдуллаев етакчилигидаги 23 нафар масъул вакил шаҳар ва туманларга бириктирилди. “Маҳаллабай” ишлашнинг вертикал тизимини йўлга қўйиш мақсадида Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бошқармаси ташкил қилиниб, унга Уйчи тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Шокиржон Имомов раҳбар этиб тайинланди.

Ҳоким ёрдамчилари мазкур лавозимга қўйилгунга қадар ўз фаолиятига доир зарурий билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун ўн беш кун давомида Давлат бошқарув академияси, Адлия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа юқори ташкилотлар мутахассислари томонидан семинар-тренинглар ўтказилди. Якуни бўйича тест имтиҳонлари олиниб, муносиб номзодларга сертификатлар топширилди. Қисқа муддатли ўқув курсларида ишни қандай ташкил этиш, хонадонларни ўрганишда, таснифлашда, маҳалланинг ўсиш нуқтасини белгилашда нималарга эътибор қаратиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Янги йилнинг илк кунлариданоқ барча ҳоким ёрдамчилари ҳокимлар, секторлар раҳбарлари ва маҳалла фаолларига тўлиқ таништирилиб, иш-режага мувофиқ, намунавий сўровнома асосида хатловлар бошлаб юборилди. Ҳозирда 117,4 мингта хонадон хатловдан ўтказилиб, ўрганилган хонадонлар иқтисодий-ижтимоий аҳволи бўйича уч тоифага ажратилди. 59,7 мингта хонадон намунали, 40,1 мингта ўрта ва 18,6 мингта хонадон эҳтиёжманд деб топилди.

Хатлов жараёнида жами 27 минг 873 та муаммо аниқланди. Хусусан, ишлаш истагидаги меҳнатга лаёқатли ишсизлар, касб-ҳунар ва тадбиркорликни ўрганиш, ишбилармонлик билан шуғулланиш истагидагилар, кредит олиш учун талабгорлар, кооперация ҳамда субсидия асосида ишлаш мақсадида юрганлар, бўш ётган томорқа ер майдонидан унумли фойдаланмоқчи бўлганлар, чет элда меҳнат қилиш учун кетадиган фуқаролар ва ҳоказо. Қайд этилган муаммо ва таклифлар биринчи чорак “Йўл харитаси”га киритиб борилмоқда. Бунда ҳоким ёрдамчилари бириктирилган маҳаллада шу йилнинг дастлабки уч ойида ўттиз фоиз хонадоннинг даромад манбаи аниқланиб, уларга барча имкониятлар (субсидия, кредит, ер ва бошқа манбалар)дан фойдаланилган ҳолда вилоят бўйича 160 минг хонадон қўллаб-қувватланади.

2022 йилда ҳоким ёрдамчилари томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 865 миллиард сўмлик кредит ажратилади. Шунингдек, 204 миллиард сўмлик субсидия маблағлари аҳолига тақдим этилади. Мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 108 миллион доллар ва 285 миллиард сўм бюджет маблағлари йўналтирилади. 4 минг 439 гектар ер майдони 137 минг ишсиз фуқарога ўн йил муддатга ўртача 10-15 сотихдан ижарага берилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун 300 миллиард сўм, етакчи тадбиркорлар учун 110 миллиард сўм, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига 4 миллиард сўм, маҳалла инфратузилмасини яхшилашга 20,8 миллиард сўм, уч турдаги дафтар жамғармаларига 69 миллиард сўм тақсимот қилиб берилди.

Вилоятнинг барча маҳаллаларида паррандачилик инкубаторлари ташкил этилади. Айни пайтда 408 та маҳаллада аҳолига жўжа етказиб бериш йўлга қўйилган. Яна 332 та маҳаллада ҳам тадбиркорлар томонидан инкубаторлар очиш режалаштирилди.

Биргина мисол. Косонсой туманида ҳоким ёрдамчилари тавсиясига биноан еттита маҳалла паррандачиликка ихтисослаштирилмоқда. Хонадонларга “Golden Egg Of Namangan” МЧЖ томонидан бир йил бепул ветеринария хизмати кўрсатилади ва имтиёзли кредит асосида товуқ етказиб берилади. Қолаверса, 350 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланади. Қарабсизки, йилига қўшимча 10,7 миллион дона тухум етиштириш орқали бир оиланинг ўртача 11,2 миллион сўмгача даромад олиш манбаи пайдо бўлади. Бундан ташқари, мазкур ҳудудда 17 гектар майдонда паррандачиликка мўлжалланган кичик саноат зонаси ташкил этилиб, бешта корхона ишга тушди.




Сизга ўзини оқлаган бир амалий ташаббусимиз хусусида гапирмоқчиман. Вилоят бўйича жами 11 минг 700 нафар нуронийдан иборат “Фаол кексалар” гуруҳлари қимматли маслаҳатлари билан шахсий ибрат кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда имтиёзли кредитлар ажратилиб, уларни қайтаришда турли муаммолар юзага келаётгани бор гап. “Қорни оч одамга балиқ эмас, қармоқ бер”, деган нақл бежиз айтилмаган. Демак, биз ҳам кредит бериб, ҳам унга маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари, “Нуронийлар кенгаши” аъзолари ва маҳалла раисларини бириктириш орқали аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини таъсирчан усулларда амалга оширмоқчимиз. Ахир азалий қадриятларимизга кўра, мурувват дангаса, ялқов ва боқимандаларга эмас, балки тақдир тақозоси билан имконияти чекланганларга, ҳақиқий муҳтожларга кўрсатилган.

Дарвоқе, яқинда республика “Асакабанк”и раиси Нодирбек Сайдуллаев бошчилигидаги ишчи гуруҳ вакиллари ҳоким ёрдамчилари фаолиятини тизимли йўлга қўйиш ҳамда “хонадонбай” ўрганишлар билан боғлиқ жараёнларнинг бориши юзасидан Янгиқўрғон ва Тўрақўрғон туманларида бўлди. Янгиқўрғоннинг “Қораполвон”, “Янги боғистон” маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ҳоким ёрдамчилари фаолияти билан яқиндан танишди. Ҳудудда яшовчи фуқаролар билан мулоқот ўтказди. Масалан, “Сементал” зотли моллар ва улардан олинаётган даромад, иссиқхонадан унумли фойдаланиш, ҳоким ёрдамчиси чинакамига фуқароларга кўмакчи эканлиги тушунтирилди. Туманда ташкил этилаётган узумчилик кластерига ҳам ташриф буюрилди. Мавжуд имкониятдан фойдаланмаётган, қаровсиз қолган томорқа эгаларига тавсиялар берилди.

Давлатимиз раҳбари юксак ишонч билдираётган ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ишчи гуруҳ хулосалари, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда ёритилаётган чиқишлар орқали мунтазам кузатиб турибмиз. Инсонларнинг мурожаатларини дилдан тинглаб, дарду ташвишларини бемалол зиммасига ортиб, мушкулларини осонлаштираётганларнинг амалий ишлари, ташкилотчилиги инобатга олиниши, шубҳасиз. Ҳоким ёрдамчиларининг ҳар қандай ўринли ташаббуси, таклифини сўзсиз қўллаб-қувватлаймиз, улар учун барча шароитларни ҳозирлашга тайёрмиз.

Ҳоким ёрдамчиларининг асосий вазифаларидан яна бири 2022 йилда 159 минг нафар ишсиз фуқаро бандлигини таъминлаш бўйича чоралар кўришдир.

Жорий йилда меҳнат бозорига 42 минг нафар фуқаро кириб келиши кутилмоқда. Уларнинг 5 минг 556 нафари олий таълим муассасаларини, 12 минг 210 нафари академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ва 29 минг 986 нафари умумтаълим мактабларини битиради. 2022 йилда вилоятда жами 571 минг нафар доимий ва мавсумий иш ўрни яратиш бўйича қатъий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Қолаверса, ижтимоий инфратузилма дастурига асосан, 28 та маҳаллада 318 миллиард сўмлик ишлар “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари асосида амалга оширилади. Халқ қабулхоналари томонидан 54 та “оғир” маҳалла аниқланиб, шундан 28 та маҳаллага “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларидан, қолган 26 та маҳаллага маҳаллий бюджетнинг орттириб бажарилган қисмидан маблағ йўналтирамиз. Бу маблағлар маҳаллаларнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш учун ишлатилади. Ҳоким ёрдамчилари билан “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этишда елкама-елка туриб ишлаймиз. Хусусан, Поп ва Чуст туманларида 640 та хонадонга эга 32 та кўп қаватли уй, 2 та боғча, 2 та тиббиёт муассасаси, хизмат ва савдо шохобчалари қурилади.

Олдимиздаги истиқболли режаларимиз, эзгу вазифаларимиз рўёбга чиқишида маҳалланинг суянчию таянчига айланувчи ҳоким ёрдамчиларига куч-қувват тилаймиз.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири Орифжон ЖЎРАЕВ ёзиб олди.**

БУГУННИНГ ГАПИ



**ЭМЛАШ ОРГАНИЗМДА МАЪЛУМ ХОТИРА ҲУЖАЙРАЛАРИ ПАЙДО БЎЛИШИ ОРҚАЛИ МОСЛАШУВЧАН ИММУНИТЕТ РЕАКЦИЯСИНИ РАҒБАТЛАНТИРАДИ. ВАКЦИНА ТАНАДА КАСАЛЛИККА ҚАРШИ ИММУНИТЕТ ИШЛАБ ЧИҚИШГА КЎМАК БЕРУВЧИ ХАВФСИЗ ВА САМАРАЛИ БИОЛОГИК ВОСИТА САНАЛАДИ.**

# КОРОНАВИРУС ҳамон таҳдид солмоқда

**Дунёда коронавирус билан боғлиқ эпидемиологик вазият таранглигича қолмоқда. Янги омикрон штаммининг кенг тарқалиши турли хавотирларни келтириб чиқараётир. Гарчи, у эмланганлар учун оддий респиратор вирусли инфекциядек енгил кечаётган бўлса-да, эмланмаганлар учун оғир асорат ва оқибатлари билан таҳдид солади.**



**Малика ҚУДРАТХЎЖАЕВА, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи**

Эпидемиологик вазиятни яхшилаш, аҳоли саломатлигини ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун барча чоралар кўрилаётганига қарамай, сўнгги кунларда мамлакатимизда ҳам коронавирусга чалиниш ҳолати кескин ошди. Олиб борилаётган таҳлилларга асосан, беморларнинг 13,5-14 фоизи махсус юқумли касалликлар шифохоналарида, 85,5 фоизи эса уйда даволанмоқда. Бу эса, ўз навбатида, даволаш-профилактика муассасаларининг бирламчи бўғини (оилавий поликлиникалар)ни кучли босим остига қўяди.

Омикрон бошқа штаммлардан юқувчанлиги, одамдан одамга тез ўтиши билан фарқланади. Аммо гап шундаки, бу респиратор инфекция ҳали ҳам иммунитети заиф одамларда турли аъзо ва тизимларга жиддий зарар етказиши, шунингдек, ўлимга олиб келиши билан хавфли. Шу боис, мутахассислар ўз саломатлигимизга ўзимиз масъул бўлишимиз, эмланиш хавфли касалликдан ҳимояланишнинг ягона чораси эканини тушунишимиз, қолаверса, карантин қоидаларига қатъий амал қилиш орқали инфекцияга чалинишнинг олдини олишимиз мумкинлигини бот-бот такрорламоқда. Аммо огоҳлантириш ва тушунтириш ишларига қарамай, жойларда карантин қоидалари бузилаётгани ҳам бор гап. Шу сабабли бутун халқимиз ҳаётига хавф солаётган бундай ишларга нисбатан кескин чора кўрилишини вазиятнинг ўзи тақозо этмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳрининг 12 та туманида биттадан махсус COVID поликлиникалари фаолияти йўлга қўйилди. Улар рентген, кислород конденсаторлари, ПЗР тест ва коронавирусга қарши зарур дори-дармонлар, сарфлов материаллари, дезинфекцияловчи эритмалар билан таъминланган. ПЗР тестлар ҳар куни 24 соат давомида топширилиши мумкин. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Тошкент шаҳри бошқармаси, ҳар бир туман бўлимларида ҳам шундай имкониятлар яратилди.

Эмлаш организмда маълум хотира ҳужайралари пайдо бўлиши орқали мослашувчан иммунитет реакциясини рағбатлантиради. Вакцина танада касалликка қарши иммунитет ишлаб чиқишга кўмак берувчи хавфсиз ва самарали биологик восита саналади.

COVID-19 га қарши эмлаш пандемияни жиловлашга ёрдам беради. Айни пайтда қўлланаётган вакциналар янги штаммга нисбатан ҳам самарали экани айтилмоқда. Ўрганишлар натижасида шифохоналарга оғир аҳволда келтирилаётган беморларнинг аксарияти эмланмаганлар орасида учраётгани аён бўлмоқда. Тўғри, эмланганлар орасида ҳам касалликка чалинганлар бор, аммо уларда касаллик енгил кечаётир.

Айни кунларда пойтахтимиздаги барча оилавий поликлиникаларда коронавирус инфекциясининг олдини олиш мақсадида етти турдаги вакцина билан эмлаш ишлари олиб борилмоқда.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Тошкент шаҳри бошқармаси ҳамда ҳудудий бўлимлари ходимлари томонидан қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, касалликнинг олдини олиш мақсадида аҳоли гавжум жойлар ва савдо нуқталарида тушунтириш ишлари олиб борилиши баробарида камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳам чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссиясининг 78-сонли йиғилиш баёнида давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа ташкилотларнинг ходимлари (саломатлиги бўйича қарши кўрсатма бўлган ходимлар бундан мустасно) 2021 йил 1 сентябрга қадар коронавирус инфекциясига қарши вакцинанинг камида 1-дозаси, 1 октябрга қадар 2-дозаси, 1 ноябрга қадар 3-дозаси билан эмланмаган тақдирда, мазкур ташкилотлар (объектлар)нинг фаолият юритиши вақтинчалик тўхтатилиши таъкидланган.

Шу нуқтаи назардан, пойтахтимиздаги 6 849 та объектда, жумладан, 1972 та бюджет ташкилот ҳамда 4877 та тадбиркорлик субъектида ўрганиш ишлари олиб борилди. 11 596 та бюджет ташкилот ва 7835 та тадбиркорлик субъектининг 19 431 нафар ходими коронавирус инфекциясига қарши эмланмагани аниқланди. Натижада 5524 нафар ишчи-ходим вақтинчалик ишдан четлатилди, 108 та бюджет ташкилот раҳбарларига нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштириб, жаримага тортилди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун 38 та объект фаолияти вақтинча тўхтатилди. 64 та тадбиркорлик субъекти бир неча бор берилган тавсияларга амал қилмагани учун Тошкент шаҳри тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонини хабардор қилиб текширилди ҳамда чора кўриш учун 58 та тадбиркорлик субъектига доир ишлар жиноят ишлари бўйича ҳудудий судларга юборилди.

> **Жорий йил 24 январдан бошлаб Республика махсус комиссиясининг 77-, 78-, 92-сонли йиғилиш баёни ижросини таъминлаш ва карантин қоидаларига қатъий риоя қилиш учун 943 та тадбиркорлик субъекти раҳбарларига расман огоҳлантириш хати берилиб, улардан кафолат хати олинди.**

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Тошкент шаҳри бошқармасининг туман бўлимлари ходимлари томонидан коронавирус инфекциясининг янги тури шаҳар ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича туну кун навбатчилик асосида профилактик ва эпидемияга қарши тадбирлар давом этмоқда.

Юртдошларимиз эса ниқоб тақиш, ижтимоий масофа сақлаш, жамоат жойларга боришдан тийилиш, антисептик воситалардан фойдаланиш каби талаб ва қоидаларга амал қилиш, энг муҳими, эмланиш орқали аввало, ўзини, оиласи ва яқинларини ушбу хавфли касалликдан ҳимоя қилган бўлади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 199.
18715 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 01:15 Топширилди — 02:10